Ушбу сонда:
2 ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ва томонларнинг тенг жавобгарлиги
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА
4 МАЪМУН АКАДЕМИЯСИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ.
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 2 феврал, чоршанба № 19 (1860)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## БЕШТА МЕДАЛ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида ташкил этилган халқаро турнирда Европа ва Осиё мамлакатларидан келган беш юз нафардан зиёд иқтидорли спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Мазкур халқаро турнирда юртимиз шарафини Александр Недорезов мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳимоя қилди. Мусобақада муваффақиятли иштирок этган ҳамюртларимиз бешта медаль жамғарди.

Ўзбекистонлик эркин курашчилардан Ўктам Тўйчиев ҳамда Артём Присяжнюк барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медалга сазовор бўлди. Яна уч нафар курашчимиз - Феруз Нусратов, Ихтиёр Наврўзов ҳамда Нагмет Ешетоев бронза медаль билан тақдирланди.

Эркин кураш бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ўтказиладиган халқаро турнирга тайёргарликни бошлаб юборди.

(ЎзА)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши 1 февраль куни ўзининг биринчи мажлисини ўтказди. Мажлисда парламент қуйи палатаси қўмиталарининг раислари, сиёсий партиялар фракцияларининг раҳбарлари иштирок этдилар.***

***Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халилов олиб борди.***

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган асосий вазифаларни муҳокама қилдилар.

Мажлис иштирокчилари Қонунчилик палатаси қўмиталарининг жамиятимизни янада демократлаштириш, мамлакатимизда фуқаролик ҳаётининг барча соҳаларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш стратегиясига асосланган қонунчилик ва назорат-таҳлил ишларининг устувор йўналишларини кўриб чиқдилар. Шу билан бирга қонун лойиҳаларини тайёрлашда ҳамда уларни турли семинарлар, йиғилишлар, давра суҳбатларида теран ва ҳар тарафлама муҳокама қилиб пухталаб олишда сиёсий партиялар парламент фракцияларининг фаол иштирок этиши муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди.

Қонунчилик палатасининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ва мунтазам ёритиб бориш зарурлигига ҳам мажлисда алоҳида урғу берилди.

Кенгаш аъзолари Қонунчилик палатаси қўмиталари ва сиёсий партиялар парламент фракциялари ўз иш режаларини тузишда парламент палаталарининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган асосий устуворликлар ва вазифаларга таянишлари лозимлиги ҳақида қарор қабул қилдилар.

Мажлис иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг самарали ишини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

## Нуқтаи назар

***Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. Эътиборлиси шуки, эндиликда суд қарорларини ижро этиш бўйича етарлича ваколатларга эга бўлган департамент фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоиз, қонунчиликда одил судловни амалга ошириш шаклларидан бири – ярашув институтининг жорий этилиши қонунийликни мустаҳкамлашда ижобий омил бўлди.***

***Мухбиримиз жиноий ишлар бўйича Жалақудуқ туман суди раиси Бахтиёржон Юлдашев билан шулар хусусида суҳбатлашди.***

# СУД

## одил судловнинг олий нуқтаси

Республикамиз Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни атрофлича баён этиш билан бирга бу соҳада ечимини кутаётган жиддий муаммолар борлигини ҳам алоҳида уқтирди. Бу аввало судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқдир.

Мамлакатимизда барча соҳаларда туб ислоҳотлар, ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳокимиятнинг учинчи тармоғи - суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга қаратилган кенг қамровли тадбирларни рўёбга чиқариш жараёни ҳам муваффақият билан олиб борилаяпти. Зеро, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Суд - одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараёндир». Дарҳақиқат, суд-ҳуқуқ тизими инсонни жазолаш эмас, балки аввало унинг Конституция билан белгилаб қўйилган, қонунлар билан қўриқланадиган барча манфаатларини муҳофаза этишга хизмат қилиши даркор.

Ўзбекистон Конституциясининг 24-, 26-моддаларида шахснинг айбсизлик презумпцияси белгилаб қўйилган. Унга кўра иш судда ўз исботини топмагунча, гумонланувчи айбдор ҳисобланмайди. Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, қонунчилигимиз юксак инсонпарварлик тамойиллари асосига қурилганлигини айни пайтда бутун жаҳон эътироф этмоқда. Жиноий жазоларни либераллаштириш, умуман судловни соддалаштириш изчил давом эттирилаётганлиги эса янада қувонарли ҳолдир. Негаки, бунинг натижасида кўп ҳолларда нотўғри, ноқонуний олиб борилган тергов ҳаракатлари натижасида фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этилишининг олди олинмоқда.

Шу ўринда ҳаётий бир мисол келтирсам. Воқеа ўтган йилнинг охирларида «Хўжаобод-Дўстлик» божхона масканида юз берганди. Жалақудуқ туманининг Ёркишлоқ қишлоғида яшовчи фуқаро, оддий тракторчи Файзулла Солиев божхона назорати кўригидан ўтаётганда гиёҳванд моддаларни олиб ўтишда гумон қилиниб, қўлга олинади. Табийки, воқеа жойида гувоҳлар ёрдамида тегишли далолатномалар расмийлаштирилади. Тергов, суриштирув ишлари бошланади. Тез орада Жиноят Кодексининг 246-модда иккинчи қисми билан жиноий иш очилиб, суд муҳокамасига юборилади. «Чўнтагида қора дори сақлаган кимса, наҳотки, ихтиёрий равишда божхона масканидан ўтса?», «Ўш шаҳри Ёркишлоқдан бир қадам, ўнлаб айланма йўллар турганида қўшни шаҳарга гиёҳванд модда билан божхонадан ўтишга ҳожат бормиди?»... Судлов ҳайъатини шу каби саволлар ўйлантира бошлади. Натижада тергов, суриштирув ишларининг тўғри, холис юритилганлигига шубҳа уйғонди. Тергов ҳужжатларида холислик етишмаётганлиги, жазолашга мойиллик, иштиёқ кучлилиги шундоқ кўриниб турарди.

Хуллас, судловга фуқаро Ф.Солиевнинг конституциявий ҳуқуқлари чекланаётганлиги, тергов ноқонуний йўллар билан уюштирилганлиги маълум бўлди. Мансаб лавозими суиистеъмол қилинганлиги, судланувчига қарши сохта гувоҳлар, ҳужжатлар тайёрланганлиги аниқланди. Халқимизда бировга чоҳ қазисанг, унга ўзинг тушасан, деган ибратли нақл бор. Суд икки ойдан буён ҳибсда сақланаётган оила бошлиғи Ф.Солиевнинг ҳимоясида қаттиқ турди. Ишнинг Ф.Солиевга оид қисмини ҳаракатдан тўхтатиш, божхоначилар устидан жиноий иш қўзғатиш, қўшимча тергов ўтказиш юзасидан ажрим чиқарилди. Даъвогарлар жиноий ишлар бўйича Андижон вилоят судига раддия киритдилар. Юқори инстанция суди туман судининг ажримини кўриб чиқиб, фуқаро ҳимоясини тўғри деб топди ва ўзгаришсиз қолдирди. Божхоначилар қилмишларига яраша жазо оладиган бўлишди. Бир сўз билан айтганда, адолат тантана қилди.

**Суҳбатдош: С.РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

## Қурултойдан-қурултойгача

# ЙИЛЛАР МАЗМУНИ

Бухоро вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳисобот даврида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида аниқ тадбирлар асосида иш юритди. Натижада Кенгаш нуфузи ошди, омманинг ишончини янада яхшироқ қозонишга эришилди. Равшанки, ишнинг муваффақиятини таъминлашда бошланғич ташкилотлар алоҳида ўрин тутади. Шу боис уларга кимлар етакчилик қилмоқда, касабақўм раисининг омилкорлиги, қатъиятлилиги ва ташкилотчилиги ҳар қачонгидан зарур.

«Бухоротекс», «Бухороипаги» ҳиссадорлик жамиятларида фаолият юритаётган касаба уюшмаларига қарашли клуб ва кутубхоналарда миллий қадриятларни тиклаш, уларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида бадиий кечалар, китобхонлар конференциялари ўтказиб келинди. «Бухоротекс»даги кутубхона мустақиллик йилларида чоп этилган адабиётлар билан бойитилди. Ишчи-хизматчилар фикри ўрганилиб, 351,3 минг сўмлик китоблар келтирилди. Ҳозирда тармоққа қарашли 3 та клубда турли йўналишдаги 13 та тўгарак фаолият юритмоқда. Уларга 200 нафар ишчи жалб этилган.

Сўнгги йилларда «Ўзбекистон – Ватаним маним!» шиори остида бадиий-ҳаваскорлик жамоаларининг кўрик-танловини ўтказиш одат тусига кирди. Тадбир юқори савияда ўтказилганлиги боис одамларда катта қизиқиш уйғотди. Ҳисобот даврида амалга оширилган ва яхши самара берган тадбирлардан яна бири – ҳар ойда ўтказилаётган «Мактаблар куни»да фаол иштирок этилгани бўлди. Ёшларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш эзгу ниятимиз. Табиийки, касаба уюшмалари маориф тизимини қўллаб-қувватлаш, педагог ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ўтган йили соҳа ходимлари ўртасида тадбирлар ўтказиш мақсадларига қарийб 40 миллион сўм маблағ сарфланди.

Меҳнаткашлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш нуфузли жамоат ташкилотининг анъанавий ишларидан биридир. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори асосида аниқ режалар белгиланиб, изчил амалга оширилди. Унга кўра, барча тармоқ қўмита ва кенгашларда спартакиадалар, соғломлаштириш тадбирлари уюшқоқлик билан амалга оширилди. Қувончлиси шуки, спорт иншоотларини таъмирлаш, талаб даражасида жиҳозлаш, уларга ёшларни иложи борича қўпроқ жалб этиш борасида муайян ютуқларга эришилди.

Ўтган йиллар мобайнида касаба уюшма спортчилари тилга олса арзигулик ютуқларни қўлга киритдилар. Шуҳрат Саъдиев юнон-рум кураши бўйича, Шуҳрат Хўжаев эса самбо кураши бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони бўлдилар. Ҳозирда шаҳар ва туманларда 400 га яқин жисмоний тарбия жамоалари фаолият юритмоқда. Уларга 21 та ўйингоҳ, 4 та сузиш ҳавзаси, 45 та спорт зали, 33 та баскетбол, 144 та волейбол, 71 та мини футбол, 10 та теннис корти хизмат қилмоқда.

Бир қатор туманларда соғломлаштириш клублари ташкил этилган. Масалан, Жондор туманидаги «Шоҳназар», Қоракўл туманидаги «Зиёрат», Пешкудаги «Волейбол», Ғиждувондаги «Маҳорат», Вобкентдаги «Орзу» ҳамда Олот туманидаги «Рустам» соғломлаштириш клублари қизғин иш олиб бормоқда.

Ўтган йили спорт фахрийси, Ўзбекистоннинг бир неча бор чемпиони Исмоил Туробов соврини учун ёшлар ўртасида спортнинг эркин кураш тури бўйича ажойиб мусобақа ўтказилди. У чинакам байрамга айланди. Тадбирда 215 нафардан ортиқ спортчи иштирок этди.

**М.ШУКУРОВ, Бухоро вилоят касаба уюшмалари Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири**

**И.ХАСАНОВ, олган суратлар**

## БУЮРТМА АСОСИДА

***Металл буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Шарк-металл" кичик корхонаси Андижон вилоятидаги қурилиш ташкилотларининг йирик буюртмалари асосида маҳсулот тайёрлай бошлади.***

Бунга корхонанинг иқтисодий жиҳатдан оёққа туриб олганлиги ва йигирма нафардан зиёд ғайратли ишчилар меҳнат қилаётганлиги имкон берди.

Корхона раҳбари Ҳамидулла Содиқовнинг айтишича, бу ерда асосан темир дарвоза, оила аъзоларининг жамулжам бўлиб ўтиришлари учун кроват, томорқа ва ер майдонларини ўрашга мўлжалланган турли хил шаклдаги панжаралар, токзорлар учун ишком тайёрланади.

**"Туркистон-пресс"**

## КАТТА ИШНИНГ БОШЛАНИШИ

***Маржонбулоқ конида сўнгги икки йилда руда қазиб чиқариш ҳажми кескин ошди. 2002 йилда бу ерда ойига 15-20 тонна руда қазиб олинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 40-45 тоннани ташкил этди.***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ Маржонбулоқ кони 2002 йилнинг май ойида Навоий кон-металлургия комбинатининг Жанубий кон бошқармаси таркибига киритилган эди. Бу ўзгариш корхонанинг оёққа туриши учун туртки бўлди.

- Навоий кон-металлургия комбинати таркибига қўшилгунга қадар коннинг иқтисодий таназзулдан чиқиб кетишига кўпчилик ишонмай қўйганди, - дейди Маржонбулоқ кони директори Мамат Ҳамроев. - Комбинат корхонани ўз тасарруфига олгач, мавжуд муаммолар ҳал этилди, ишлаб чиқариш ҳажми ошди.

Конда руда очиқ усулда қазиб олинади. Яқинда комбинат ҳомийлигида мавжуд технологиялар янгиланди. Қўшимча иш ўринлари яратилди. Бу ишлаб чиқариш унумдорлигини янада оширишга, руда қазиб чиқаришни икки баравар кўпайтиришга олиб келди.

Ўтган икки йил давомида қайта ишлаш корхонасидан конгача бўлган беш километрлик йўл таъмирланди. Ишлаб чиқариш иншоотлари янгиланди. Руда қазиш, бурғулаш, юклаш, ортиш техникалари, энергия ва сув таъминоти тармоқлари тўлиқ янгиланди.

- Бу катта ишларнинг бошланиши, - дейди кон директори. - Ишлаб чиқаришнинг ўсиши одамларнинг яшаш шароитларини яхшилаш учун қулай имкониятлар яратди. Энг муҳими, корхонанинг истиқболига ишонч бор.

(ЎзА)

## ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Ўзбекистон санитария гигиена ва касб касалликлари илмий изланиш институти ташкил топганига етмиш йил бўлди. Ўтган давр ичида у республикамиздаги йирик тадқиқот ўчоғи ва тиббий методик марказга айланди. Тиббиётнинг экологик-гигиеник ҳамда касбий патологик йўналишида олиб борилган изланишлар амалий аҳамият касб этиб, муолажаларда кенг қўлланилмоқда.

Кўплаб малакали гигиенист олимлар ҳам шу даргоҳда етишиб чиқди. Институт ўз илмий-амалий фаолияти жараёнида элликдан ортиқ монография, талайгина илмий тўпламлар ва тавсияномалар яратди. Энг яхши тадқиқотлардан 145 таси муаллифлик гувоҳномаси ҳамда патентлар билан тақдирланди.

## Қонун барчага баробар

***Пул маблағларининг банк оркали айланиши ва солиқ тўловлари тартибига ҳар бир фуқаронинг қатъий амал қилиши давлатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Кейинги йилларда тадбиркорлар бу борада қўйилган талабларни оғишмай бажараётгани, ишлаб чиқаришни ва хизматларни қонун доирасида ташкил этаётгани билан мамлакатга наф келтиряпти.***

# НАҚД ПУЛ ТУШУМИНИ

## яширгани учун

Афсуски, айрим кишилар ҳанузгача қонуний фаолиятнинг афзалликларини англаб етишмаяпти. Оқибатда улар қилмишига яраша жавобгарликка тортиляпти. Масалан, Каттақўрғон туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ўтказилган текширишлар натижасида 135 та қонунбузарлик ҳолати бўйича иш судга оширилган. Яна 295 фуқаро жарима тўлашга мажбур бўлган. Солиқчилар қонунбузар тижоратчилардан 2042 қути тамаки маҳсулотлари, 985 шиша спиртли ичимликларни, 74,5 литр спиртни давлат фойдасига мусодара қилишган. 66 ҳолатда яширин ишлаб чиқариш цехи аниқланиб, улар фаолиятига чек қўйилди.

— Тадбиркорларнинг қонуний фаолият юритишини солиқчиларимиз мунтазам назорат қилишмоқда. Улар ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Натижада қонунбузарлик ҳолатлари олдинги даврга нисбатан сезиларли даражада камайди, – дейди туман ДСИ бўлим бошлиғи Ж.Убайдуллаев. – Лекин баъзи шахслар ўзбошимчалик билан иш юритишда давом этмоқда. Уларнинг бундай фаолияти узоққа бормайди, албатта. Биз бундайларнинг маҳсулотини қаердан, кимдан олишини, қай тарзда сотишини ўрганиш ва тезкор чора қўллаш учун тадбирлар ишлаб чиқдик. Охир-оқибат улар ҳеч нарсага эришолмасликларини англаб етадилар, деб ўйлайман.

Ҳамма бозор– бир бозор деганлари ростга ўхшайди. Каттақўрғон шаҳрида ҳам юқоридагига ўхшаш ҳолатлар қайд этилган. Аслида қонунга бўйсунганлар эркин, бехавотир фаолият юритаверади.

– Қонунбузарларга нисбатан кескин чоралар қўлланиши ўз самарасини беряпти. Салбий ҳолатлар кескин камайди, – дея суҳбатни давом эттирди Каттақўрғон шаҳар ДСИ ходими Б.Муродов.– Ўтган йили 37 юридик ва жисмоний шахсларга тушумни НКМдан ўтказмаганлиги ёки квитанция билан ишлаш тартибини бузганлиги ҳамда накд пул тушумини яширгани учун молиявий жарима қўлланилди. Қонунбузарликка йўл қўйганларга нисбатан 11 та жиноий иш қўзғатилди. НКМдан фойдаланиш тартибини такрорий бузган 3 нафар юридик шахснинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида жарима солинди.

Тақиқланган маҳсулотларнинг чакана савдода пайдо бўлиши қонунбузарлик ҳолатининг кичик бир қисми холос. Бундай маҳсулотларнинг мамлакатга олиб кирилиши, ички ҳудудларга етказилиши, яширинча савдога чиқарилиши бутун бир тизимни ташкил этади. Кимдир таъминотчи, кимдир харидор топади. Бозорга чиқадиган сотувчиларни ҳам ўзига хос тоифасини танлашади. У атиги бир-икки шишани кўтариб юриб сотади. Сотгандан кейин яна озгина олиб келади. Чунки қўлга тушгудай бўлса, кўп нарса йўқотмайди. Жаримага тортилса, ортиқча ҳеч вақо йўқ деб тураверади. Демак, фақат солиқчилар саъй-ҳаракати билан иш битмайди. Божхона ходимлари, ИИБнинг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимлари ҳам яқиндан ёрдам беришлари керак. Энг аввало тадбиркорларнинг ўзлари фаолиятларини онгли ташкил этиши талаб этилади.

**Р.КУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири**

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

## ва томонларнинг тенг жавобгарлиги

***Касаба уюшмаларининг бош мақсади фуқаролар ташаббусларини шакллантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш орқали ислоҳотлардаги иштирокини таъминлаш, ҳуқуқий-маърифий тарбия ва тарғибот олиб боришга йўналтирилган. Бу масъулиятли вазифа қандай адо этилаётир? Тармоқ қўмиталари ишида фаоллик кўзга ташланяптими? Лўнда қилиб айтганда, жамоат ташкилоти ўз мақсад ва вазифаларига эриша оляптими? Мухбиримиз Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси ўринбосари, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси Қаршибой Эшназаров билан ана шу хусусда суҳбатда бўлди.***

**– Маълумки, иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири кучли ижтимоий ҳимоядир. Айнан шу масъулиятли вазифа касаба уюшмалари зиммасига юклатилган.Тармоқ қўмитаси меҳнаткашларнинг ишончли ҳимоячиси бўла олаяптими?**

– Таъкидлаш жоиз, фаолиятимиз меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган. Бугунги кунда тармоқда 39 минг нафардан ортиқ касаба уюшма аъзолари мавжуд. Уларнинг маслакдоши, яқин кўмакчиси бўлишга интилиш, улар қалбидан жой олиш ҳаракати бир зум ҳам сусайгани йўқ. Фаолият кўрсатаётган 101 та бошланғич, 437 та цех касаба уюшма ташкилотлари орқали ҳар бир фуқаро ташвишига шерик бўляпмиз, деб ўйлайман. Ўтган йили соҳадаги 367 нафар ишловчи пенсионерлар, ногиронлар, ногирон болалари бор хонадонлар, боқувчисини йўқотганлар ва кам таъминланган оилаларга 5,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Барча қўмиталар ва вакилликлар қошида Президент Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларини ҳаётга татбиқ қилинишини кузатувчи гуруҳлар ташкил этганмиз. Улар муайян дастур асосида фаолият юритмоқда. Ижтимоий ҳимояга йўналтирилган Фармон ва қарорлар жамоа келишувлари ва шартномаларида ўз аксини топиб, бевосита меҳнаткаш мададкорига айланаяпти. Ўтган даврда 13 та ташкилотда хизмат қилаётган 18 нафар ногирон, 6 та кам таъминланган оилага қарийб 250 минг сўмликдан ошиқ моддий кўмак кўрсатилди. 14 та ногирон, кам таъминланган, кўп болали оилаларга касаба уюшма маблағлари ҳисобидан бепул дори-дармонлар олиб берилди. 137 та кам таъминланган хонадонлар фарзандларига касаба уюшма маблағлари ҳисобидан бепул дарсликлар олиб берилди. 46 нафар боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига ҳам 616 минг 975 сўмлик ўқув қуроллари туҳфа этилди.

Қўмитамиз ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш авлол камолотини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшишга интилиб келаяпти. Ўтган йили соҳада ишлаётган 3 та ёш оилани қарамоғимизга олдик. Уларнинг оилавий муаммоларини бартараф этишга қарашдик. Шунингдек, соҳа ходимлари фарзандларини ўқитишга кўмаклашишни ҳам назардан четда қолдирмадик. 12 та кам таъминланган оиланинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган фарзандлари учун тўланадиган шартнома пулини тўлаб беришни ҳам зиммага олганмиз. Бир сўз билан айтганда, ташкилот барча имкониятни аъзолар манфаати учун ишга солиб келаяпти.

**– Жамоа шартномалари ижросида узилишларга йўл қўйилмаяптими? Тармоқ қўмитаси бу борада қандай таъсирчан чораларни кўраяпти?**

– Жамоа шартномаси меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашда муҳим ўрин тутади. Тармоқ касаба уюшма ташкилотлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги ҳаракат дастури талаблари асосида иш берувчилар олдига жамоа шартномалари ва келишувлар орқали ходимларга адолатли ҳақ тўлаш, инфляция даражасига қараб иш ҳақларини ошириб бориш, ишчи-хизматчилар меҳнатини муҳофаза қилиш, дам олиш, соғломлаштиришни ташкил этишни вазифа қилиб қўйган. Бу борада Оқолтин туманидаги 2-, Сайхунобод туманидаги 1-, 4-, 3-, 5-мактаблар, 9-болалар боғчаси, Боёвут туманидаги 8-мактабда ҳамда Гулистон академик лицейида ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида жамоа келишувлари ва шартномалар тузишда вакилларнинг тенг ҳуқуқлилиги, олинаётган мажбуриятларнинг ихтиёрийлиги ва уларни бажариш бўйича томонларнинг жавобгарлиги таъминланмоқда.

Бироқ ҳамма жойда ҳам аҳвол бундай эмас. Мирзаобод, Сардоба, Ховос туманлари таълим-тарбия муассасаларида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда меҳнаткашларга белгиланган имтиёзлардан кўнгил тўлмайди. Энг ачинарлиси, ҳар бир касаба уюшма аъзосига жамоа шартномаси орқали сарфланаётган маблағ миқдори кишини қаноатлантирмайди. Масалан, бир йил мобайнида бир ходимга сарфланган маблағ Оқолтин туманида 1437 сўмни, Боёвут туманида эса 1427 сўмни ташкил этган, холос. Биз бошланғич ташкилот раҳбарлари олдига қонунда белгиланган имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни вазифа қилиб қўйганмиз. Афсуски, жамоат юки оғирлик қилаётган қатор етакчилар билан хайрлашишга тўғри келди. 42 нафар бошланғич, 244 нафар цех қўмиталарининг раҳбарлари фаол, жамоада мавқега эга кишилардан сайлаб қўйилди. Ўйлайманки, эндиликда ташкилот ишида янада юксалиш муҳити қарор топади.

**– Вилоятдаги қатор маҳаллаларда касаба уюшма спорт хоналари ташкил этилди. Бу хайрли ташаббусга тармоқ қўмитаси қандай ҳисса қўшди?**

– Спорт — чиниқиш, саломатлик гарови. Шу боис биз ҳам бу хайрли ишдан четда қолмадик. Айни пайтда вилоятдаги 3 та маҳаллада тармоқ қўмитаси ҳомийлигида спорт хоналари ташкил этилди. Ҳозир бу ерда 150 нафардан ошиқ қишлоқ ёшлари бўш вақтларини мазмунли ташкил этаяпти. Бундан ташқари, соҳа ходимлари спартакиадаси, оилавий спорт беллашувларини ҳам ташкил этиб турибмиз. Мана ўн йилдирки, касаба уюшмалари вилоят Кенгаши томонидан уюштирилаётган мусобақада тармоқ спортчилари ғолибликни қўлга киритиб келаётир. Биргина ўтган 2004 йилда спорт беллашувларини ташкил этишга 5578,5 минг сўм маблағ сарфланди.

Ходимлар саломатлигини яхшилаш, дам олишини ташкил этиш доимий эътиборимизда. Ўтган йили 400 нафар илғор педагоглар реабилитация марказида бепул даволанишди. Меҳнаткашларнинг 421 нафар фарзандлари соғломлаштирилди. Амалдаги йилда ҳам спорт ва соғлиқ муҳофазасига катта эътибор қаратамиз. Демоқчиманки, касаба уюшма ҳар доим соҳа ходимларининг суянчи, таянчи бўлиб қолаверади.

*Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида*

**Суҳбатдош: Н.ШАМСИЕВ «Ишонч» мухбири**

# ФАХРИЙЛАРГА ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМА

***Шовот тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси тизимида 29 та касаба уюшма қўмитаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Аъзоларнинг сони эса 18368 нафарга етди. Туманда 450 та деҳқон ва фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларда 2792 нафар касаба уюшма аъзоси меҳнат қилмоқда.***

Ҳисобот даврида касаба уюшмалари аъзолари сони минг нафарга ошди. Ишга яроқли бўлган аҳолининг 70 фоизи қишлоқ хўжалик соҳасида ишлайди. Шу боис Олий Мажлис томонидан «Ширкат хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиниши деҳқонлар учун айни муддао бўлди.

Туманда 2002 - 2003 йилларда 3 та ширкат хўжалиги фермерларга бўлиб берилди. Ернинг ҳақиқий хўжайинига айланиб олган тадбиркорлар дастлабки йилларданоқ иш самарадорлигини юксак бўлишига эришиб, ёқилғи ва минерал ўғитлардан иқтисод қилишга эришдилар, даромадларини оширишди. Лекин 2001 ва 2002 йилларда воҳада содир бўлган қурғоқчилик туфайли қишлоқ хўжалиқ соҳасида қатор қийинчиликлар вужудга келди. Шунга қарамасдан Хоразм деҳқони қалб қўри, пешона тери билан ғалла ва пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Касаба уюшмалари эса деҳқон ва фермерларга мададкор бўлиб, илғорларни вақтида рағбатлантириб бордилар.

Ўтган беш йил ичида туман касаба уюшма қўмиталари кам таъминланган 352та оилага моддий ёрдам бердилар. Бултур Қурбон ҳайит байрами муносабати билан ёрдамга муҳтож кишилар, оилалар, ногиронларга 790 минг сўм, Наврўз байрамида 4137 минг сўм, Мустақиллик байрамида 3 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ғалла ва пахта йиғим-терими даврида меҳнаткашлар иссиқ овқат билан таъминланишди. Фахрийларни соғломлаштиришга эътибор кучайтирилди. Хусусан, 300 нафар пенсионерга сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар берилди. Бундан ташқари корхона, ташкилот, муассасада хизмат қилувчи меҳнаткашларга 12,9 миллион сўмлик йўлланмалар тарқатилди. Меҳнаткашларни соғломлаштиришда «Дўстлик» ва О. Хидиров номли ширкат хўжаликлари касаба уюшмалари ишлари тилга олиб ўтилди. Масалан, «Дўстлик»да ҳар йили 20-25 нафар кишини соғломлаштиришга эришилмоқда. Йўлланмаларнинг ярми имтиёзли равишда тарқатилмоқда. О. Хидиров номли хўжалик эса 2003 йилда 30 нафар касаба уюшма аъзосини тумандаги «Оби ҳаёт» сиҳатгоҳида имтиёзли йўлланмалар билан дам олдирди.

Ёшлар келажагимиз. Буни яхши тушунган касаба уюшма қўмиталари болаларни оромгоҳларда дам олдиришга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, ҳисобот йилларида 7127 нафар ўқувчи ёзги оромгоҳларда дам олдирилди. Бунга 97,7 миллион сўм сарфланди. Касаба уюшма аъзоларининг 54 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Шу эътиборга олиниб аёллардан 197 нафари имтиёзли равишда республикамизнинг марказий сиҳатгоҳларида дам олдирилди.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилганлиги боис касаба уюшма аъзолари вилоят ва республика мусобақаларида фахрли ўринларни олиб келмоқдалар. Шу йилнинг ўзида улар оилавий спорт жамоаси бўйича ўтказилган республика мусобақасида қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

**Э. ЭРКИНОВ, «Ишонч» мухбири**

*«Бандлик» дастури амалда*

# 3277 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ

***Ҳозирги замон талабини тўғри англаган ҳолда иш юритаётган тадбиркорлик субъектлари юксалиш йўлидан одимлашмоқда. Улар ўз моддий имкониятларини оширибгина қолмасдан, кўплаб фуқароларни иш билан банд бўлишига етарли ҳисса қўшишяпти. Бу борада пойтахтимизнинг А.Икромов туманида талайгина ибратли ишлар рўёбга чиқаётганини кўришимиз мумкин. Масалан, ўтган йил давомида 200 нафар фуқаро меҳнат бўлимида рўйхатга олинган бўлиб, шундан 1675 нафари турли корхона-ташкилотларга ишга жойлаштирилди. 342 нафар йигит-киз кайта ўкишга юборилди. Бугунги кунга келиб, туманда банд бўлмаган аҳоли сони 1359 нафарни ташкил этади. Ҳар ойда бўлимга ҳудуддаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан бўш иш жойлари бўйича ҳисобот бериб турилади.***

Қисқа муддатли ҳақ тўланадиган жамоат ишларига фуқароларни жалб этишда ҳам ижобий натижаларга эришилиб, йил давомида 142 нафар киши жалб этилди. Мутахассисларнинг саъй-ҳаракати туфайли бултур янгидан ташкил этилган иш жойлари 3277 тани ташкил этди.

Бўлим томонидан меҳнат ярмаркаларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, турли ёшдаги аҳоли вакиллари жалб этилади. 2004 йилнинг ўзида ҳудуддаги кўплаб корхона ва ташкилот вакиллари иштирокида 6 марта ана шундай ярмаркалар ташкил этилди. Шундан 3 таси «Вақтинчалик бир маротабалик иш билан таъминлаш маркази»да бўлиб ўтди. Маълумки, туманда ҳозирги кунда улкан салоҳиятга эга бўлган талайгина корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётир. Аҳолини иш билан таъминлашда уларнинг ҳиссаси кўп. Ўтказилган ярмаркаларда улар томонидан 700 га яқин бўш иш ўринлари тақдим этилди. Меҳнат ярмаркаларида ҳаммаси бўлиб, 2231 нафар фуқаро иштирок этди. Унда етарли маълумот ва касб малакасига эга бўлган ёшларнинг 111 нафари ўзлари ёқтирган соҳа бўйича ишга жойлашиш учун йўлланма олдилар. 52 нафари эса тўғридан-тўғри ишга жойлашди. 170 нафар киши қайта ўқишга юборилди. Шунингдек, 1701 нафар фуқаро эса мутахассислардан маслаҳатлар олдилар.

Конституциянинг 12 йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия туфайли кўплаб кишилар ўз оиласи, яқинлари бағрига қайтиб, озодлик қадр-қимматини англаб етмоқдалар.

– Туманимиз бўйича 28 нафар фуқаро озодликка чиқди, - дейди бўлим раҳбари Т.Акромова. - Уларга ҳукуматимиз томонидан белгиланган тартибда ёрдам кўрсатилаётир. Уларнинг бир қисми бошқарма қошидаги касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш ўқув марказига юборилди. 4 нафари эса туман ободонлаштириш бўлимида иш билан таъминланди. Бундан ташқари, бўлимимиз инспекторлари маҳаллаларда уйма-уй юриб, амнистия туфайли озод этилган шахслар билан суҳбатлар ўтказишмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлашда 2- ва 18-автокорхоналар, «Шайхонтоҳур-текстил» ўрнак бўлишмоқда. Шунингдек, туманда ногиронларни ҳам ўзларига мос иш билан банд бўлишларига алоҳида эътибор берилаётир. Бу борада «Сарбон автоулов» масъулияти чекланган жамиятда ибратли ишлар амалга оширилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида бу ерда 25 нафардан ортиқ ногирон иш билан таъминланди. Жорий йилда эса қўшимча яна 10 дан ортиқ иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Меҳнат бўлими томонидан фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор билан ёндошилмоқда. Ўтган йил якунларига кўра 371 нафар кишига ишсизлик нафақаси тўланиб, 35 нафари эса муддатидан олдин пенсияга кузатилди. Тумандаги 50 та маҳаллага меҳнат нозирлари бириктирилган бўлиб, улар ҳудуддаги иш билан банд бўлмаган фуқароларни аниқлаб, амалий кўмак бермоқдалар.

**О.ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири**

## СОҲИБКОРНИНГ ҚИШКИ ЮМУШЛАРИ

Қувасой боғларида етиштириладиган сархил меваларнинг донғи дунёга кетган. Бу йил ҳам мўл ҳосил етиштиришга бел боғлаган «Мўян» ширкат хўжалиги боғбонлари қишки тадбирларни уюшқоқлик билан амалга оширмоқдалар.

- Ҳозир боғ ва далаларда иш қизғин давом этмоқда, - дейди ширкат хўжалиги бош агрономи Музаффаржон Ҳотамқулов. - Мавжуд 495 гектар боғдаги дарахтларга шакл берилмоқда. Кимёвий ишлов беришни ҳам бошлаб юбордик.



# ИККИ БАРОБАР АРЗОН

Ўн йил аввал Оқолтин тумани Найман қишлоғида яшовчи Эргаш Мамараимов бетон ариқлар бўйидаги ташландиқ ерларни ўзлаштириб, минг туп терак кўчати эккан эди. Ушанда унинг ташаббусини ҳамқишлоқлари маъқулламаганди, лекин деҳқоннинг ўзи бу ишнинг келажагига ишонганди.

- Ўтган йиллар давомида фақат ўзимнинг теракларимни ишлатиб ўғилларим учун иккита уй қурдим,- дейди Эргаш Мамараимов. - Ўзим тайёрлаган тахталарни деярли бир ярим миллион сўмга сотдим. Ҳар бир кесилган дарахт ўрнига янги кўчат ўтқазяпман.

Тадбиркор ҳамқишлоқларидан ўрнак олган Нарзиқул Омонов, Мустафо Яхшиликов ҳам мана бир неча йилдирки терак ўстириб, 7-8 метрли тўсинларни донаси 5 минг сўмдан сотмоқда. Харидорлар эса жуда кўп.

Бундай ёғочлар Гулистон ва вилоятнинг бошқа аҳоли пунктларига, асосан, Фарғона водийсидан келтирилади. Транспорт харажатлари, воситачилар хизматини ҳисобга олсак, шу ернинг ўзида тайёрланган тахта икки баробар арзон тушиши маълум бўлади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда машина-трактор паркларининг алоҳида ўрни бор. Негаки, шудгорлашдан бошлаб экин-тикин, йиғим-терим ишларини ўз вақтида пухта бажаришда техника воситалари муҳим аҳамият касб этади. Бухоро тумани МТП ҳиссадорлик жамияти ишчи-ходимлари бу вазифани муваффақият билан адо этишга муносиб ҳисса қўшиб келишяпти. Ширкатлар ва фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалар асосида ўтган йили 654 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилди. Жумладан, 5320 гектар ер майдонида сифатли шудгорлаш ва экин ишлари амалга оширилди.

**Суратларда: МТП устахонасида; моҳир ишчи Ўлмас Ширинов.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## МАҚСАД—ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Хўжаобод туманидаги "Ҳожимурод" савдо ишлаб чиқариш фирмаси бир кечакундузда беш минг погонометргача маҳсулот тайёрлайдиган тўқув фабрикасини ишга туширди.

Фабрика учун бино тендер асосида танлаб олинди. Таъмирдан сўнг тўртта цех ташкил этилди. Мазкур цехларга "Вест Лиасинг Лимитед" Британия компаниясининг 139,2 минг АҚШ доллари қийматига тенг асбоб-ускуналари ўрнатилди. Лойиҳани молиялаштиришни Андижондаги "Ҳамкорбанк" ўз зиммасига олди. Яқин орада фабрикада тайёр тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бунинг учун яна учта цех ишга туширилади.



# СТАНЦИЯ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Бугунги кунимизни телекоммуникациялар, хусусан, телефон алоқаларисиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис ҳам аҳолига алоқа хизматини замон талабларига мос равишда такомиллаштиришга катта эътибор қаратиляпти.

Бу борада «Фарғонателеком» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳам ибратли ишларни амалга ошираётир. Фарғона шаҳар Қиргули мавзесида жойлашган 27-АТСда замонавий халқаро алоқа станцияси иш бошлади. Японияннинг халқаро ҳамкорлик банки – JBIC кредити ҳисобидан 26 чақирим масофага шиша толали кабел ётқизилиб, катта қувватга эга узатгич қурилмалари ўрнатилди.

Таъкидлаш керакки, янги станция дунёнинг исталган нуқтаси, шунингдек, Интернет тармоғи билан бемалол боғланиш имконини беради. Бу эса иш жараёни сифатли бажарилишини таъминлайди.

***Суратларда: 27-автомат телефон станцияси ходими Саида Маматова; станция етакчи муҳандиси (чапдан) Бахтиёр Усмонов ва муҳандис Эмин Набиев.***

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар**

*Хусусий тармоқ ривожланишда*

# ЙИГИРМА ХИЛДАГИ ХИЗМАТ ТУРИ

***2004 йилда Олмалиқ шаҳридаги маиший хизмат кўрсатиш тизимида 40 та хизмат турлари ишга тушди. Аҳамиятли шундаки, ушбу масканларнинг ҳаммаси хусусий тадбиркорлар томонидан очилди.***

Металлургларнинг саноатчилар шаҳри бўлган Олмалиқда бугунги кунда 110 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётир. Улар кундалик турмушларида албатта маиший хизматнинг бирор турига мурожаат этиб туришади. Фаолият юритаётган маиший хизмат уюшмасига Олимхон Махсумов раислик қилмоқда.

Шаҳарнинг турли мавзеларида фаолият юритаётган маиший хизмат турлари хусусий тармоқ ихтиёрига ўтказилди. Тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган хизмат турлари бўйича фаолият юритиш истагини билдириб, уюшмага тез-тез мурожаат этиб турадилар. Бунда уларга зарур бўлган барча ҳужжатларни тайёрлашда яқиндан ёрдам берилади. Таъкидлаш жоизки, тадбиркорга зарур бўлган тақдирда ижарага бино ёки алоҳида хона олишда ҳам уюшманинг хизматлари катта бўлаяпти. Маиший хизмат тармоғини қуриш учун ер майдони ажратиш, банкдан кредит олиш борасида ҳам Олимхон Махсумов тадбиркорлар ва ҳунармандларга яқиндан кўмак бериб келмоқда. Масалан, шаҳарнинг «Ойдин» мавзесида ташландиқ ҳолга келиб қолган 4 қаватли маиший хизмат кўрсатиш уйи биносини Аброр Мансуров ижарага олди. Барча ташкилий ишларни ҳал этишда шаҳар савдо-саноат бўлими бошлиғи Ғофур Саидалиев, маиший хизмат уюшмаси раиси Олимхон Махсумовларнинг ёрдами катта бўлди. Ҳозирги вақтда 4 қаватли бино қайта таъмирланиб, зарур ускуналарни харид қилишга кредит олиш учун бизнес режа ишлаб чиқилди.

Маиший хизмат тармоғида фаолият юритувчи кишиларнинг асосий қисми якка тартибдаги фаолият юритаётган кишилардир. Булар асосан сартарошхона, сурат олувчилар, этикдўзлар, радиотелеаппаратураларни созловчи усталар ва бошқалар. Шаҳарнинг турли мавзеларида, аҳоли гавжум жойларда бевосита одамларга хизмат кўрсатадиган бундай кишиларнинг сони 100 нафардан ортиб кетди. Улар мижозларнинг талаб ва хоҳишларини инобатга олган ҳолда иш юритмоқдалар.

Тадбиркорлар 2005 йилни 20 хилдаги фаолият турларини юритиш билан бошладилар. Булар автомобил қисмларини тайёрлаш, уларни сотиш ёки автомобилга ўрнатиш, созлаш, электр асбобларини таъмирлаш, темир эшиклар ясаш ва уларни ўрнатиб бериш, тўй анжомлари ва келинлар либосини, видео, аудио кассеталарини сотиш ва ижарага бериш ва бошқа хизмат турларидир. Муҳими аҳоли турли қатламларининг талаб-истакларини тезда илғаб олаётган ҳунармандларнинг ўзлари уюшмага келиб, янгиликни қўллаб-қувватлашларини сўрамоқдалар.

**Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири**

# «Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

## Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

### ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШДА ЎРТАЧА ОЙЛИК ИШ ҲАҚИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

***САВОЛ: пенсия тайинлашда ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби ҳақида батафсил маълумот берсангиз.***

**Г. ЎРОЗБОЕВА,**
**Ўзбекистон тумани**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 31-моддасида ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашнинг умумий тартиби белгиланган. Унга кўра пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар бутун ҳаёти давомида меҳнат фаолиятининг исталган кетма-кет келган беш йилликдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) ҳақиқий ўртача ойлик иш ҳақи олинади. Ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишланган олтмиш календар ойдаги иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишига қараб, ишга кириш ёки ишдан бўшаш муносабати билан иш кунлари сони тўлиқ бўлмаган ойлар ҳамда тўлиқ ишлаган календар ойлар ҳисобга олинади.

Шунингдек, пенсия сўраб мурожаат этган киши беш йилдан оз вақт ишлаган ҳолларда ўртача ойлик иш ҳақи ишланган календар ойларидаги иш ҳақининг умумий миқдорини шу ойлар сонига бўлиш йўли билан ҳам аниқланади.

Юқорида айтиб ўтилган модданинг бешинчи хат бошида пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади, дейилган. Шу нуқтаи назардан айтиш жоизки, агар пенсия сўраб мурожаат этаётган шахснинг пенсияси ҳисоблаб чиқарилганда, унинг ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссасидан кам бўлса тўлиқ ҳажмда, агар ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссасидан кўп бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссасигача олинади.

### БОЛАЛИКДАН I ГУРУҲ НОГИРОНЛАРИГА ИМТИЁЗ

***САВОЛ: қонунчиликда болаликдан I гуруҳ ногиронларига қандай имтиёзлар назарда тутилган?***

**Р.ҲОЛИҚОВ,**
**Ургут тумани**

**ЖАВОБ**: амалдаги қонунчилик бўйича I гуруҳ балаликдан ногиронларга қуйидаги имтиёзлар мавжуд:

– даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этиш;

– икки йилда бир маротаба бепул сиҳатгоҳга йўлланма олиш;

– тиббий хулосага асосан протез-ортопедия буюмлари, эшитиш аппаратлари ва ногиронлар аравачасини бепул олиш;

– автомашина бензини учун товон пули олиш;

– энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида даромад солиғи тўлашдан озод этилади:

– мол-мулк солиғидан озод этилади.

– ер солиғидан озод этилади.

### КУТУБХОНАЧИЛАР ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯГА ЧИҚИШЛАРИ МУМКИНМИ?

***САВОЛ: 1972 йилда Тошкент Давлат педагогика институтининг кутубхонашунослик факультетини тугатиб, ўша даврдан бошлаб кутубхоналар тизимида ишлаб келмоқдаман. Имтиёзли пенсияга чиқишга ҳақлиманми?***

**К. СОБИРОВ,**
**Элликқалъа тумани**

**ЖАВОБ**: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган 3-рўйхатнинг 7-бўлимида маориф ходимларига имтиёзли пенсия тайинлаш назарда тутилган:

1)кутубхоначилар;

2)кутубхона мудирлари;

3)кутубхонада шуъба мудирлари имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Сиз хатингизда кутубхона тизимида қайси лавозимда ишлаганлигингизни аниқ кўрсатмагансиз.

### НОГИРОНЛИК ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИМИ?

***САВОЛ:1940 йилда туғилганман. Ҳозир ёшга доир пенсия оламан. Лекин олаётган пенсиямнинг миқдори жуда кам. Меҳнат стажим ҳам кам. Ёшга доир пенсияга чиқишимдан олдин 6 йил II гуруҳ, кейинчалик III гуруҳ ногирони эдим. Ушбу даврлар меҳнат стажимга қўшиладими?***

**О.ЎСАРОВ,**
**Жиззах шаҳри**

**ЖАВОБ**:«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддасида иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турлари кўрсатиб ўтилган. Фуқаронинг корхона айби билан меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида I ва II гуруҳ ногиронлигида бўлган вақти ёшга доир пенсия тайинланаётганида меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Агар умумий касаллик туфайли ногиронлик пенсияси тайинланган бўлса ушбу давр ёшга доир пенсияга чиқаётганида меҳнат стажига қўшилмайди.

### ДАРОМАД СОЛИҒИДАН ОЗОД ЭТИЛАМАНМИ

***САВОЛ: менинг ўғлим ногирон. У махсус интернатда ўқийди. Ойлик иш ҳақимдан энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида даромад солинадиган соликдан озод қилинаманми?***

**С.БОБОХОНОВ,**
**Қўшкўпир тумани**

**ЖАВОБ**:Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси 59-модда, 2-қисми «м» бандига мувофиқ, болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришга муҳтож бўлган фарзанди билан яшаб, уни тарбиялаётган ота-онасидан бири ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида даромад солинадиган соликдан озод қилиниши назарда тутилган. Сиз хатингизда келтирган маълумотга кўра ўғлингиз махсус интернатда ўқийди, яъни ота-она билан доимий бирга яшамайди. Шу сабабли ҳам юқорида айтиб ўтилган имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмассиз.

### УМУМИЙ КАСАЛЛИК БЎЙИЧА II ГУРУҲ НОГИРОНЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР

***САВОЛ: умумий касаллик бўйича II гуруҳ ногиронларига қонунчиликда қандай имтиёзлар назарда тутилган?***

**А.СОДИҚОВ,**
**Тўрткўл тумани**

**ЖАВОБ**: умумий касаллик бўйича II гуруҳ ногиронлари қонунда белгиланган қуйидаги имтиёзларга эгадирлар:

– даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловларидан озод этиш;

– икки йилда бир маротаба бепул сиҳатгоҳ йўлланмасини олиш;

– тиббий хулосага асосан протез-ортопедия буюмлари, эшитиш аппаратлари ва ногиронлар аравачасини бепул олиш;

– даромад солиғи тўлашдан озод этилади (энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдорида)

### ҚАЙСИ КАСАЛЛИКЛАР КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИГА КИРАДИ

***САВОЛ: қайси касалликлар касб касалликларига киради?***

**З.ОҚБЎТАЕВ,**
**Узун тумани**

**ЖАВОБ**: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарорининг 6 - иловасида касб касалликларининг рўйхати тасдиқланган. Бу касалликлар қуйидаги 7 та бўлимга бўлинади:

1.Заҳарли кимёвий моддалар таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

2.Саноат аэрозоллари ва чанглари таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

3.Физик таъсирлар натижасида пайдо бўладиган касалликлар;

4.Алоҳида аъзолар ва тизимларнинг жисмоний зўриқиши ва толиқиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар;

5.Биологик омиллар натижасида келиб чиқадиган касалликлар;

6.Кимёвий синтетик моддалар (шу жумладан, пестицидлар, дори-дармонлар, ваккиналар, биология табиати моддалари, ўсимлик ва ҳайвонот чанглари таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

7.Иш жойида канцероген моддалар таъсирида пайдо бўладиган янги ўсимталар.

Юқорида айтиб ўтилган касалликларнинг ҳар бирининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, уларни фақат шифокорлар аниқлашлари мумкин. Касб касаллигига нафақат рўйхатда кўрсатилганлар, балки уларнинг қолдиқлари ва асоратлари ҳам киради. Рўйхатда аниқланган зарарнинг таъсир қиладиган шароитда ҳар бирининг қанча ишлаш кераклиги ҳақида ҳеч қандай талаб йўқ. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 - июндаги 317-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида ишловчи махсус тузиладиган тиббий меҳнат экспертиза комиссиялари у ёки бу касалликнинг касбга боғлиқ эканлигини ҳал қиладилар.

### КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР

***САВОЛ:1992 йилдан буён I гуруҳ касб касаллиги ногиронман. Ҳар йили Тошкент илмий текшириш, касб-касалликлари институтига даволаниш учун бориб тураман. Ишхонамдан ҳар ойда товон пули олиб тураман. Лекин муассаса раҳбарлари дори-дармон, йўл харажатлари, иқтисодий ёрдам беришдан бош тортишмоқда. Умуман корхона товон пулидан ташқари менга яна қандай тўловлар бериши керак?***

**А.ДАМИНОВ,**
**Данғара тумани**

**ЖАВОБ**: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори билан ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши натижасида етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш тартиблари тасдиқланган. Ушбу тартибнинг III бўлими 19 - қисмида меҳнат жароҳатлари туфайли қилинган қўшимча харажатларни жабрланувчига тўлаш тартиби белгиланган. Унга биноан етказилган зарар учун жавобгар бўлган иш берувчи жабрланувчига ўртача ойлик иш ҳақидан ташқари, меҳнат жароҳати туфайли қилинган қўшимча харажатларни ҳам тўлашга мажбурдир. Тўланадиган бундай харажатларга протезлаш, жабрланувчини парвариш қилиш, санаторий-курортда даволаниш, шунингдек, даволаниш жойига бориш ва келиш учун сарфланган йўл харажатлари, зарур ҳолларда эса жабрланувчини кузатиб борувчи шахснинг ҳам йўл харажатлари махсус транспорт воситалари ва бошқаларни сотиб олиш (агар у ТМЭК томонидан ёрдамнинг ушбу турларига муҳтож деб топилган ва уларни тегишли ташкилотлардан бепул олмаган тақдирда), шунингдек, жабрланувчи билан иш берувчи ўртасида зарарни тўлаш бўйича низо пайдо бўлганда ҳамда бу низо жабрланувчи фойдасига ҳал бўлган ҳолларда адвокат ёллаш учун (давлат томонидан белгиланган нархлар бўйича) қилинган харажатлар киради. Шуни айтиш жоизки I гуруҳ ногиронлари учун ТМЭКнинг «ўзганинг парваришига муҳтож»лиги ҳақидаги хулосаси талаб қилинмайди (улар махсус тиббий парваришга муҳтож бўлган ҳоллар бундан мустасно).

Ёрдамнинг бир нечта турларига муҳтож бўлган жабрланувчига ёрдамнинг ҳар бир турини олиш билан боғлиқ харажатлар тўланади.

Юқорида айтиб ўтилган тартибнинг III бўлим 20-қисмида қўшимча харажатлар миқдори тегишли ташкилотларнинг ҳисоб рақамлари ва бошқа ҳужжатлар асосида ёхуд жабрланувчи томонидан ушбу харажатлар қилинган вақтидаги нархларга мувофиқ аниқланиши белгиланган.

Махсус тиббий парваришга муҳтож бўлган жабрланувчилар учун қўшимча харажатлар энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида белгиланади. Уй шароитида парвариш қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида белгиланади. Шунингдек, ҳам махсус тиббий, ҳам уй шароитида парваришга муҳтож бўлган жарбланувчига уй шароитидаги парвариш билан боғлиқ харажатлар махсус тиббий парвариш харажатларига қўшимча равишда тўланади. Жабрланувчини парвариш қилиш учун қўшимча харажатлар,уларнинг ким томонидан амалга оширилишидан қатъи назар тўланади.

Махсус транспорт воситаларининг сотиб олиш ва уларни асосли тузатиш учун харажатлар уларнинг қиймати доирасида тўланади. Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиш натижасида етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш тўғрисидаги тартиби III бўлим 21-қисмида жабрланувчининг санаторий-курортда даволанишига муҳтожлиги ҳақида ТМЭК хулосаси мавжуд бўлган тақдирда унга ҳар йилги меҳнат таътилидан ташқари, даволаниш учун қўшимча таътил берилади. Даволаниш учун берилган таътил вақти учун тўлов ҳар йилги таътил тўлови учун белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Даволаниш давридаги зарарни тўлаш умумий асосларда амалга оширилади.

Жабрланувчи, шунингдек, уни кузатиб борувчи шахснинг йўлкира харажатларини тўлаш миқдори хизмат сафари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

### ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР

***САВОЛ: II жаҳон уруши қатнашчисиман. II жаҳон уруши қатнашчиларининг пенсиясига қўшимча бериладими?***

**Ў.БОБОЖОНОВА,**
**Фориш тумани**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 28-моддаси«ж» бандига асосан уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 (эллик) фоизи миқдорида ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақлар берилади.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга қонун ҳужжатларида қуйидаги имтиёзлар белгиланган:

– шифокор рецептига асосан бепул дори-дармон олиш;

– даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этиш;

– икки йилда бир маротаба бепул сиҳатгоҳ йўлланмасини олиш;

– тиш протезларини яшаш жойидаги поликлиникаларда бепул таъмирлаш ҳамда тайёрлаш;

– тиббий хулосага асосан протез-ортопедия буюмлари, эшитиш аппаратлари ва ногиронлар аравачасини бепул олиш;

– барча турдаги (таксидан ташқари) шаҳар йўловчи транспортларида бепул юриш;

– маъмурий туман ҳудудидаги (таксидан ташқари) йўловчи транспортларида бепул юриш;

– шаҳар атрофида қатновчи (таксидан ташқари) йўловчи транспортларида, жумладан, шаҳар атрофида қатнайдиган темирйўл транспортида бепул юриш;

– ҳаво, темирйўл, шаҳарлараро автомобил транспортида 1 йилда 1 марта (бориш, қайтиш) чипта ҳақининг 50 фоиз арзонлашган нархида юриш;

–коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига энг кам иш ҳақининг 45 фоизи миқдорида компенсация олиш;

– автомашина бензини учун товон пули олиш;

– даромад солиғи тўлашдан озод этилади (энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баровари миқдорида);

– мол-мулк солиғидан озод этилади;

– ер солиғидан озод этилади.

– ишловчи пенсионерлар иш ҳақи билан биргаликда пенсияларини ҳам тўлиқ олиш ҳуқуқига эгалар.

### ПЕНСИЯ ҚАЙ ҲОЛЛАРДА ҚАЙТА ҲИСОБЛАБ ЧИҚИЛАДИ

***САВОЛ: 1982-йилдан (кўз бўйича) II гуруҳ ногиронман. 1991-йилдан 1997-йилгача ишни давом эттирдим. Ижтимоий таъминот бўлими юқорида кўрсатилган муддатларда ишлаган давримни пенсиямни қайта ҳисоблаш учун ҳисобга олишмади. Шу тўғрими?***

**Г. СОЛИХОВА,**
**Гурлан тумани**

**ЖАВОБ:** «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 49-моддасида пенсияларни қайта ҳисоблаш шартлари белгиланган. Бунга кўра пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинланишигача бўлган меҳнат стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда яъни:

- ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;

- боқувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;

- энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда;

- минтақавий коэффициент белгиланган ёки унинг миқдори ўзгарган тақдирда;

- даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилади.

Пенсионерлар пенсияни қайта ҳисоблаш учун ана шундай ҳуқуқ пайдо бўлганидан кейин исталган вақтда мурожаат этишлари мумкин.

Шуни айтиш жоизки, ушбу Қонун пенсия тайинлангандан кейин орттирилган меҳнат стажини ва иш ҳақини ҳисобга олиб қайта ҳисоблашни бекор қилади. Фақат янги асослар бўйича бошқа пенсияга ўтган ҳоллардагина меҳнат стажи ҳисобга олинади. Демак бунда ногиронлик пенсиясидан ёшга доир пенсияга ўтган ҳолларда пенсияни қайта ҳисоблаш амалга оширилади. Демак, сиз ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлсангиз ушбу даврлар ҳисобга олинади.

Ижтимоий таъминот бўлими ходимлари сизнинг 1991-йилдан то 1994 йил 1 июлга қадар ишлаган даврларингизни пенсиянгизнинг миқдорини ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олишлари шарт. Чунки юқорида айтиб ўтилган Қонун 1994 йил 1 июлдан кучга кирган бўлиб, ушбу қонун бўйича пенсионерларнинг пенсияга чиққанларидан кейинги ишлаган даври пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ҳисобга олинмайди.

## Саволингизга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош ҳуқуқшуноси Карим Мухторов жавоб беради

***САВОЛ: ходимнинг иш берувчига етказган зарари учун моддий жавобгарлиги тўғрисида маълумот берсангиз.***

***Ходим муассасага катта миқдорда зарар етказган бўлса ёки ходимнинг етказган зарари у ишдан бўшаб кетгандан сўнг аниқланса, бу масала қандай ҳал қилинади?***

**Ф.ҲАҚҚУЛОВА,**
**Термиз шаҳри**

**ЖАВОБ**: ходимларнинг моддий жавобгарлиги уларнинг бевосита айби билан улар меҳнат муносабатларида бўлган муассасага етказган зарарни қонунларда белгиланган миқдорда ва тартибда тўлаш мажбуриятидан иборатдир.

Ходимга моддий жавобгарлик юклашдан асосий мақсад фақатгина уни моддий харажатларни тўлашга мажбур қилиш эмас, балки шундай турдаги ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликларнинг олдини олиш ва бундай ҳолатлар келгусида рўй бермаслигини таъминлашдан иборатдир.

Иш берувчига ходим томонидан етказилган зарарни ундириш муносабатлари МКнинг 198-210-моддалари ва ФКнинг 985-моддаси асосида тартибга солинади.

Ходимни моддий жавобгарликка тортиш учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартлар бўлиши зарур:

– ҳақиқатда ҳам зарар етказилган бўлиши;

– зарар ходимнинг ноқонуний ҳаракати ва ҳаракатсизлиги натижасида етказилган бўлиши;

– етказилган зарар билан ходимнинг ушбу ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ўртасида узвий боғлиқлик бўлиши;

– зарар етказишда ходимнинг бевосита айби бўлиши.

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни тўлаши натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади.

Зарар ходимнинг ноқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида етказилиши дейилганда, ходимнинг қонунда ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар, яъни ички меҳнат тартиби қоидалари, интизом тўғрисидаги низомлар, уставлар, йўриқномаларда белгиланган хизмат вазифаларини бузиши ёки бажармаслиги тушунилади. Қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжат билан тақиқланган ҳаракат ғайриқонуний ҳисобланади.

Агарда зарар, уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар, хўжалик тавакалчилиги оқибатида, охирги зарурат ёки зарурий мудофаа натижасида келиб чиққан бўлса, ходимнинг ҳаракатлари ноқонуний ҳисобланмайди ва уни моддий жавобгарликка тортишига йўл қўйилмайди.

Ходимга моддий жавобгарликни юклаш учун етказилган зарарда унинг айби исботланган бўлиши зарур ва бу айб қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган бўлиши мумкин.

Меҳнат қонунчилигида ходимларнинг моддий жавобгарлиги чегараланган бўлиб, бундай жавобгарлик чекланган ҳамда тўлиқ моддий жавобгарликдан иборатдир.

Иш берувчи зарарни муайян ходимдан ундириб олиш тўғрисида қарор (буйруқ чиқаришдан) қабул қилишдан олдин етказилган зарар миқдорини белгилаш ва унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказиши шарт.

Зарарнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш учун иш берувчи биринчи навбатда ходимдан тушунтириш хати талаб қилиши керак. Ходим тушунтириш хати беришни рад этиши иш берувчига уни етказилган моддий жавобгарликка тортишга тўсиқ бўла олмайди. Бу ҳолда уч кишидан кам бўлмаган ходимлар иштирокида далолатнома тузилади.

Иш берувчига етказилган зарар миқдори ҳақиқий йўқотишлар бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 202-моддасига асосан, етказилган зарар учун қуйидаги ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилади:

1) махсус шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;

2) бир марталик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;

3) қасддан зарар етказилганда;

4) алкогол ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик таъсиридан мастлик ҳолатида зарар етказилганда;

5) ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда;

6) тижорат сирлари ошкор этилганда;

7) қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати муассасанинг жамоа шартномасида белгилаб қўйилиши зарур, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи билан касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги келишувга асосан белгиланади.

Мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб бўлган корхона, муассаса, ташкилотлар асраш учун бериб қўйилган бойликлар сақланишини таъминлаш, қайта ишлаш, сотиш (бериш), ташиш ёки ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш бобида тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартномалар тузиши мумкин бўлган ходимлар эгаллайдиган ёки бажарадиган лавозимлар ҳамда ишларнинг намунавий рўйхати 1996 йил 2 апрелида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳайъатининг 2/4-сон қарори билан тасдиқланган.

Муассаса билан кўрсатиб ўтилган рўйхатдаги лавозим ва ишларни бажараётган ходимлар ўртасида тўла моддий жавобгарлик ҳақида ёзма шартнома тузишда қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши зарур:

а) ходим 18 ёшга тўлган бўлиши;

б) қимматликларни сақлаш, қайта ишлаш, сотиш (бериш), ташиш ёки ишлаб чиқариш жараёнида улардан фойдаланиш учун бевосита ходимга топширилган бўлиши.

Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома икки нусхада тузилади ва бир нусхаси ходимлар, иккинчи нусхаси иш берувчида сақланади.

Ходимга ишониб топширилган моддий қимматликларни сақлашни таъминламаганлик учун моддий жавобгарликни юклаш ҳақидаги буйруқ тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома ўрнини босмайди.

Ходим муассасага келтирган зарарни ихтиёрий равишда қисман ёки тўлиқ тўлаши мумкин. Бу ҳолда иш берувчи ва ходимнинг келишувига биноан зарарни тўлаш муддати кечиктириб қопланишига йўл қўйилиши ва ходим иш берувчига тўлов муддатларини аниқ кўрсатиб зарарни қоплаш ҳақида ёзма мажбурият бериши мумкин. Агар ходим меҳнат шартномасини бекор қилса ва зарарни тўлашдан бош тортса, қарзнинг узилмай қолган қисми нотариал идораларнинг ижро ҳужжатлари асосида ундирилади.

Ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда етказилган зарар миқдори айбдор ходимдан иш берувчининг буйруғи асосида ундирилади. Буйруқ зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир ой ичида чиқарилиши керак.

Башарти етказилган зарарнинг ходимдан ундирилиши керак бўлган миқдор унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кетса ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса, ёхуд ходим ишдан бўшаб кетгандан сўнг аниқланса зарар суд орқали ундирилади.

Суд айбнинг даражаси ва шаклини, аниқ ҳолатларни ва ходимнинг моддий аҳволини ҳисобга олиб ундириладиган зарар миқдорини камайтириши мумкин.

Иш берувчи, бухгалтерия ходимлари шуни ёддан чиқармасликлари зарурки, иш ҳақини зарар келтирган ходимга ҳар гал тўлаш вақтида иш берувчининг буйруғи ёки суднинг қарори асосида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги зарур.

## «050 - ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ» - ИШОНЧЛИ ХИЗМАТ

Пойтахтимиз ҳудуди, аҳолиси, халқ хўжалиги объектлари ва моддий бойликларини турли бахтсиз ҳодисалардан муҳофаза қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасида ташкил этилган «050 - қутқарув хизмати»нинг ҳам алоҳида ўрни бор.

- Марказий Осиёда ягона ҳисобланган бу хизмат турининг ташкил этилиши мустақиллик самарасидир, - дейди бошқарма бошлиғи, полковник Эргаш Икромов ЎзА мухбирига. - Тошкент шаҳрининг осойишталиги йўлида баҳоли қудрат меҳнат қилаяпмиз.

Хизмат кўрсатиш доирасини янада кенгайтириш мақсадида сувда қутқариш, техник-авария гуруҳлари тузилди. Қутқарувчилар бир ой мобайнида махсус кучайтирилган ўқув муассасаларида тайёргарликдан ўтди. Ҳозирда бу гуруҳлар ходимлари жойларда профилактика ишларини амалга оширмоқдалар.

- Фаолият бошлаганимизга яқинда олти йил бўлади, - дейди бошқарма бошлиғи. - Ўтган вақт мобайнида ўн минг нафарга яқин юртдошимиз ёрдам сўраган. Мурожаатларнинг аксарияти тегишли идоралар ҳамкорлигида ижобий ҳал этилди. Йилдан-йилга бизга мурожаат қилаётган фуқароларнинг сони кўпаймоқда. Бу кўнгилсиз ҳодисаларнинг ортганидан эмас, халқнинг «050 - қутқарув хизмати»га бўлган ишончи ошаётганидан далолатдир.

*Маъмун академиясининг 1000 йиллиги олдидан*

# МЎЪТАБАР ҚАДРИЯТ

***X - XI асрларда мамлакатимиздаги илмий-маданий юксалишда Маъмун академияси устувор аҳамият касб этди. Бу илм даргоҳида фаолият кўрсатган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср ибн Ирок, Абу Сахл Масихий, Абулхайр ибн Хаммор, Ибн Ҳомид ал Хоразмий, Абу Мансур ас Саолибий ва бошқа номдор олимлар Ўрта Осиё илмий ва бадиий тафаккури ривожига бекиёс хисса қўшдилар. Уларнинг табиий ҳамда ижтимоий фанларга оид кашфиётлари умуминсониятнинг бебаҳо маънавий мулкига айланди ва бокий қадриятлар сифатида ҳозирги кунда ҳам қадрланиб келмоқда.***

Академия олимлари шуғулланган соҳалар аввало ниҳоятда хилма-хиллиги ва илмий қарашлари теранлиги билан ажралиб турса, иккинчи томондан, илмий хулоса ва кашфиётларнинг комил инсон ва унинг эркин турмуш тарзи учун кўмаклашиш ғоясига асосланган. Бу, айниқса, академия раҳнамоси Беруний (973 - 1048)нинг амалий ва илмий фаолиятида ёрқин ифодаланади. Маърифатни комилликнинг шарти деб билган Беруний ёшлигидан билим ва ҳунар эгаллаш йўлини танлади. Турли мамлакатларда мусофирликда, ночор аҳволда яшаган пайтларида ҳам илм ва тил ўрганишдан чарчамади. У 16 ёшидаёқ ўзи туғилган Кот шаҳрида астрономияга оид асбоблар, жумладан, глобус ясаб, кузатувлар олиб борди. Берунийнинг ўз она тилидан бошқа тилларни пухта эгаллаши кўп илмларни ўрганишга имкон берди. Дастлаб ўз даврининг илмий тили ҳисобланган араб тилини пухта эгаллаб, сўнгра форс, сурёний, юнон тилларини ўргана бошлайди, 40 ёшдан сўнг эса қадимги ҳинд тили - санскрит тилини ўрганади. Бу эса алломага турли тиллардан таржима қилишда, янги-янги асарлар яратишда қўл келади. Жумладан, унинг «Сайдана» асарида доричиликка оид моддаларнинг номлари 31 тил ва шевада келтирилган. Яна бир ҳайратомуз факт шундаки, XI асрда қадим юнон адиблари асарларининг араб тилига таржимаси бўлмаса ҳам Беруний тил билгани сабабли «Илиада» ва «Одиссея» каби қадим достонлар муаллифи Гомер ижодидан хабардор бўлиб, ундан файз ва рағбат олганки, бу ҳам унинг қизиқиш қамровини ниҳоятда кенглигини кўрсатади.

Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Минерология», «Сайдана», «Ҳиндистон», «Қонуни Масъудий» каби асарларида қадим аждодларимизнинг диний, маърифий, тарихий, адабий ва ахлоқий қадриятлари жамланган. Уларнинг негизини олимнинг Одам ва Олам тақдири, ватанпарварлик ва эзгулик ҳақидаги қарашлари ташкил этади. Беруний инсонни энг олий ва айни чоғда мураккаб хилқат сифатида таърифлар экан, унинг олийлигини яратувчилиги ва тафаккурида, мураккаблигини эса характеридаги зиддиятларида кўради. Бу ўринда олам асосини ташкил этувчи эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги қадим тушунчаларнинг изларини ҳис қилиш қийин эмас. Зеро, Беруний ўзи яхши хабардор бўлган «Авесто»даги бу икки тамойил тавсифини муайян мисоллар асосида янада бойитади. У ёзади: «Эзгулик умуман барча кишиларга, шу жумладан, уруғ-аймоқларга яхшилик қилишдан, иложи бўлганда иш билан, беилож қолганда эса яхши тилак билан кўмак беришдан иборат».

Беруний фикрича, одамларнинг ижобий ва салбий хусусиятларга эга бўлиши инсон табиатининг инъикоси бўлиб, биринчиси уларга мақтов, иккинчиси танбеҳ келтиради ва «мақтовга лойиқ ҳолатларнинг кутби - мурувват, мурувватнинг меҳвари эса покизалик ва мусаффоликдир».

Салбий хислатлар орасида, айниқса ғийбат, ёлғончилик қаттиқ қораланади. Беруний бу иллат кишининг тубанлиги, унинг ёмон хоҳиш ва табиатидаги бузуқ фикрлар ифодаси эканини таъкидлаб шундай хулосага келади: «Демак, ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради, зулм, ёлғон гувоҳлик, омонатга хиёнат қилиш, бошқалар мулкини ҳийла билан босиб олиш, ўғирлик каби хулқларни бировларга яхши қилиб кўрсатади». Лекин бу иллат қанчалик машъум бўлмасин, инсон ундан қутулишга қодир. Олимнинг таъкидлашича: «Ғийбатчиликдан росттўйлиққа ўтган кишини бошқа одам уёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди». Катта ҳаётий маъно акс этган ушбу сатрлар ҳозир ҳам баъзи кимсаларга сабоқ бўлиши табиий. Олим инсон ўзидаги салбий жиҳатларни енгиши мумкин ва лозим деб ҳисоблайди. Бундай киши ўзида аввало иродани тарбиялаб, эҳтиросларини жиловлай олиши, феъл-атворини ўзгартиришга интилиши, руҳий жиҳатдан тобланиши ва ахлоқ тўғрисидаги йўл-йўриқларга амал қилиши шарт экани таъкидланади. Шунингдек, олим фикрича, донишманд ва олимлар хулқларидан ўрнак олиш яхши хулқни ривожлантириб, ёмонини йўқ қилади. Зеро, «яхши хулқ-яхшилик аломатидир».

Комиллик йўлида билим ва илмнинг ўрни муҳим экани Беруний ақидаларида бот-бот учрайди. «Билим-такрорлаш ва қайтариш меваси» эканига ишонган олим билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлишидан огоҳлантиради. Шунингдек «билмаганимиз сабабли билган нарсаларимизни айтмай қўйишимиз ҳам яхши эмас» деган фикри ҳам фойдали сабоқдир. Беруний илмнинг пайдо бўлиши инсон ҳаётидаги заруриятлар тақозоси эканини таъкидлаб ёзади: «Шу эҳтиёжларга кўра илм ҳар хил тармоқларга бўлинди. Илмнинг фойдаси очкўзлик билан олтин-кумуш тўплаш учун бўлмай, балки инсон учун зарур нарсаларга эга бўлишдир».

Беруний ана шу зарур нарсалардан тўғри сўз ва адолатни олдинги ўринга қўяди. Зеро, бу икки фазилат ҳам инсоннинг баркамол, руҳий пок ва маърифатли бўлишига ёрдам беради. Ростгўйликни инсон зийнати сифатида эътироф этган олим «ёлғон доим ростдан енгилади, у худди сув юзасидаги кўпикдек йўқ бўлиб кетади» дер экан, бу ўринда образли ифода ва ўхшатиш (ёлғон-кўпик) воситасидан ўринли фойдаланган. Бундан ташқари, Беруний тўғри сўзлаш ва тўғри иш қилишни ўлимни писанд қилмайдиган жанггоҳдаги мардликнинг энг юқори шаклига қиёс қилиб, унинг адолатга алоқадорлигини алоҳида таъкидлайди: «Ҳамманинг табиатида адолат бевосита севикли ва ҳамма унинг яхшилигига қизиқадиган бўлгани каби ростгўйлик ҳам шундай...» дейди у. Шунингдек, Беруний давлатни бошқаришда адолатга таяниш айниқса, зарур эканини қайд қилади. Бу жиҳатдан унинг бошқариш усулига берган таърифида демократик усул тарғиб этилган: «идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти эзувчилар тарафидан (зўрликдан) жабр кўрганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, идора этилаётган халқнинг роҳати деб ўзини роҳатдан маҳрум этишдир». Чунки, «тинчлик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтиросларнинг ғам-ғусса бўлмайди».

Умуман, Беруний даври - XI асрнинг биринчи ярмида яратилиб, инсоният илмий тафаккурини бойитган ноёб мерос янги жамият маънавияти шаклланаётган бугунги кунда ҳам биз учун мўътабар қадриятдир.

**Ҳамдам АБДУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори**

Азим пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган Илёс Эргашев номли тиббиёт-санитария қисмига қарашли туғруқхона мажмуи ходимлари ҳақида илиқ гаплар айтилади. Боиси бу ерда 20 нафар олий маълумотли шифокор, 64 нафар ўрта тиббиёт ходими самарали меҳнат қилиб келишмоқда. Масканда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш юзасидан ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Суратда: моҳир шифокор Раҳима Саидбоева.**

**Ғ.ХИДИРОВ олган сурат**

*«Буюк хизматлари учун» ордени соҳиблари*

# МУМТОЗ ҚЎШИҚЛАР УСТАСИ

***Миллий қўшиқчилик санъатида юксак даражани забт этган Комилжон Отаниёзов Ҳожихон Болтаевни ўзининг устози деб билган. Воҳа санъати билимдонлари сувора ва мақом йўлларини ижро этишда Ҳожихон даражасига ета олган ҳофиз йўқ, дейишади.***

Чекка қишлоғимизга ҳали радио, электр келмаган давр эди. Отам вилоят марказидан қўл патефони харид қилиб келди. Ҳар куни кечқурун қариндошлар ва қўшнилар тўпланишиб, ашула эшитардик. Ҳожихон-у, Комилжон ашулаларини илк бора шунда тинглаганман. 1959 йил эди ўшанда. Қўшни қишлоқда мактаб директори ўғлининг тўйига Ҳожихон келармиш, деган гап тарқалди. Ўша куни отам, ҳамкасб дўсти, эндигина бешинчи синфда ўқиётган мен яёв 8 чақирим йўл босиб, тўйхонага етиб бордик. Ҳожихон келишини эшитган туман халқи тўйхонага тўпланиб, гўё сайлгоҳга айлантирган эдилар. Ўшанда Ҳожихоннинг суроларини тинглаб, кўз ёшларини артиб ўтирган кишиларни кўрганман. «Бундай хонанда юз йилда бир келади» деган гап ҳам шу ерда қулоғимга чалинган.

Бўлғуси буюк санъаткор Хонқа туманида ҳунарманд оиласида таваллуд топган. Отаси уста Болта шеърият ва қўшиқ шайдоси бўлиб, Навоий, Фузулий, Бедил, Мунис, Огаҳий ғазалларини ёд билган.

Уста Болтанинг уйига санъаткор дўстлари Отажон Раҳимов, Ваис сурнайчи, Хўжаниёз ота, Искандар қайроқчилар тез-тез тўпланишиб туришган. Бундай ўтиришларда гурунг, куй, қўшиқ, рақс авжга чиқарди. Эндигина мактабга қатнай бошлаган Ҳожихон ва Нурмамат (укаси) эса уларга хизмат қилиб чарчамасдилар. Ўғилларидаги мусиқага қизиқишни, жарангдор овозни пайқаган уста Болта уларни эргаштириб, дўстлари даврасига олиб борарди. Кейинчалик эса шогирдликка беради. Кўп ўтмай Ҳожихон, ундан анча кейин Нурмамат устозларидан дутор чалишни ўрганиб, биргаликда тўйларда қатнаша бошлайди. Йиллар ўтди. Ака-ука санъаткорлар эл оғзига тушди. Ўша даврда одат тусига кириб қолган тиралишма (айтишув)ларда Ҳожихон кўпгина машҳур хонандаларни доғда қолдиради. Хоразмнинг машҳур хонандалари - хивалик Полли дўзчи, Шерозий, шовотлик Отаулла Эшон, гурланлик Бобожон бола, ҳазорасплик Искандар Махсум Ҳожихондаги ноёб истеъдодни илғаб, маслаҳатларини дариғ тутмадилар ва унга оқ йўл тилашди. Ёш санъаткорнинг «Чошандози сувора», «Як парда сувора», «Кажанг сувора» ашулаларини маромига етказиб айтганини кўриб, ҳайратдан ва қувонганидан чапак чалиб юбордилар.

Истеъдодли хонандани 1938 йилда Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театрига ишга таклиф қилишади. Бу ерда у мақом ашулаларининг устаси, машҳур ҳофиз Матпано ота Худойбергановдан Хоразм мақом йўлларини синчиклаб ўргана бошлайди. Айниқса, Машраб, Огаҳий, Лутфий, Навоий, Жомий, Фузулий, Ҳофиз Шерозий шеърларини мароқ билан куйлайди.

1939 йилда Хоразмда халқ ҳашари йўли билан Тошсақа канали, кейинчалик Чоржўй - Қўнғирот темир йўли қурилади. Ҳожихон Болтаев қазувчилар ва қурувчилар ҳузурида ойлаб қолиб кетиб, жарангдор овози ва сози билан уларга куч-қувват бағишлаб турди.

Давр сиёсати туфайли асрлар оша сақланиб келаётган Хоразмнинг миллий санъати - мақом йўллари ва суроларининг йўқ бўлиб кетиш хавфи туғилди. Бунинг оқибатини вақтида сезган Ҳожихон 1965 йилда Урганч шаҳар маданият уйи қошида мақом ансамбли тузди. Ансамблга истеъдодли ёш йигитларни тўплаб, уларга устозлик қила бошлади. Қисқа давр ичида бу жамоа Хоразм мақомлари, айтим ва чертим йўлларини тўла ўзлаштириб олди. Бу ансамблдан Ўзбекистон халқ ҳофизлари Рўзимат Жуманиёзов, Қувондиқ Искандаров, шунингдек, Абдушариф Вафоев, Ўринбой Отажонов, Бекчон Отажонов, Сотимбой Авазов, Матназар Худойназаров, Нурмамат Болтаев (укаси), Қутлумурот Ҳожиев сингари забардаст мақомчилар етишиб чиқдики, улар Хоразм қадимий санъати довруғига қайта сайқал бағишладилар.

Ҳожихон Болтаев йўқолиш хавфи остида турган Хоразм ноёб мусиқа санъатини сақлабгина қолмасдан уни бойитди. Унутилган мақом ва сувора йўлларини қайта тиклади. Ҳожихон раҳбарлигидаги бу ансамбл фақат Ўзбекистонда эмас, балки Ўрта Осиёда танилиб, миллий мусиқа санъатининг ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Хоразм миллий мусиқа санъатига улкан ҳисса қўшган Ҳожихон Болтаев 1987 йилда вафот этди. Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаевга «Буюк хизматлари учун» орденининг берилиши воҳа аҳлини ғоят хушнуд қилди.

Санъаткор таваллудининг 90 йиллиги ўн йил олдин республикада кенг нишонланган эди.Ўшанда Хонқада Ҳожихон Болтаев номли ёшлар хиёбони ва уй музейи ташкил қилинди. У ҳақда китоб ёзилди, фильм яратилди. Шу кунларда унинг 100 йиллигини нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Булар ҳаммаси яхши. Лекин кези келганда бир мулоҳазани билдирмоқчимиз. Буюк санъаткор шогирдларининг деярли барчаси ҳаётдан кўз юмишди. Ҳожихон Болтаев ривожлантирган ва ардоқлаган мақом ҳамда сувора йўлларини сақлаш ва ривожлантириш ҳақида бош қотириш керак. Вилоят маданият бошқармаси ва телевидениеси раҳбарлари бу борада аниқ тадбирлар амалга оширадиган вақт етди, деб ўйлайман.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Футбол-тест

### КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

**1. Профессионал футболчилик фаолияти давомида фақат бир жамоа – «Милан» таркибида ўйнаб келмоқда. Жаҳон вице-чемпиони, Европа вице-чемпиони. 7 карра мамлакат чемпиони. Бу таъриф қайси футболчига тегишли эканлигини топинг.**

A) Руй Кошта
B) Костакурта
C) Амброзини
D) Паоло Мальдини

**2. Мозий футбол юлдузи Зико ҳозир қайси миллий терма жамоага бош мураббийлик қилмоқда?**

A) Япония
B) Жанубий Корея
C) Голландия
D) Мексика

**3. Айни пайтда ФИФА президенти ким?**

A) Мишель Платини
B) Зепп Блаттер
C) Вячеслав Колосков
D) Жаао Авеланж

**4. Бельгия олий табақаси қандай номланади?**

A) «А» серия
B) Примьеро
C) Суперлига
D) Примьер-лига

**5. Яқинда Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси бош мураббийи сифатида иш бошлаган хорижлик мураббий кимлигини аниқланг.**

A) Раҳим Қурбонмамедов
B) Олег Морозов
C) Алексей Петрушин
D) Юрий Калитвинцев

**6. Англия футболи тарихидаги «энг қиммат ўйинчи» Уэйн Руни учун «Манчестер Юнайтед» қанча пул тўлаган?**

A) 49 миллион доллар
B) 10 миллион доллар
C) 39 миллион доллар
D) 40 миллион доллар

**7. Мамлакатимизда нашр этиладиган футбол газетаси..**

A) «Sport-bol»
B) «Ўзбекистон футболи»
C) «World Soccer»
D) «Миллионлар ўйини»

**8. «Абердин» жамоаси қайси мамлакат биринчилигида қатнашади?**

A) Голландия
B) Бельгия
C) Шотландия
D) Уэльс

Хоразм вилояти касаба уюшмалари Кенгаши жамоаси аграсаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси Қодиржон Раҳимовга набираси **ТОҲИРЖОН**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

## ТАРАДДУД

Бу йилги «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг республика босқичи Тошкент вилоятида ўтказилади. Шу муносабат билан бу ерда кўплаб спорт иншоотлари бунёд этилмоқда. Айниқса бу йирик спорт тадбирига Чирчиқ шаҳрида катта тарадуд кўрилмоқда. Бу ерда спортга ихтисослаштирилган янги касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилади. Чирчиқдаги собиқ касб-ҳунар билим юрти негизида бунёд этилаётган мазкур ўқув даргоҳи мустаҳкам спорт мажмуасига ҳам эга бўлади.

Бу ерда спортнинг йигирмадан ортиқ тури бўйича мусобақалар ўтказилади. Бундан ташқари, иккита сузиш ҳавзаси ишга тушади. Замонавий стадион ҳам фаолият кўрсатади.

Олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида қатор қурилиш ташкилотлари қатнашмоқдалар. Тошкент ГРЭСи корхонаси эса бош пудратчи сифатида ўзининг катта ҳиссасини қўшмоқда.

Энг муҳими шундаки, шу йил баҳорда ўтказиладиган «Баркамол авлод» мусобақалари дастуридан ўрин олган спортнинг бир неча тури коллеж иншоотларида ташкил этилади.

**А.АЛИЕВ**

*Фахр*

# «МАҚСАД – ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ ОИЛАСИ БЎЛИШ»

***Вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг спортни ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган йиғилишида Уйчи туманидан қатнашаётган вакил ўз сўзида туманда Тожиболдиевлар оиласи спортнинг турли соҳалари бўйича ўтказилган туман, вилоят ва мамлакат миқёсидаги беллашувларда ғолиб чиқишаётганлиги, ака-укалар ўз олдиларига Тожиболдиевлар оиласини жаҳон чемпионлари оиласига айлантириш максадини қўйишганлигини айтганида, гулдурос қарсаклар янгради.***

– Аслида, спортга қизиқиш ака-укаларнинг қонларида бор. Бир маҳаллар падари бузрукворлари номи вилоятдан ташқарига ёйилган бўлган, - деди нотиқ.

Ҳа, Абдураҳмон Тожиболдиевни бугунги кунда ёши элликдан ошганлар яхши эслайдилар. Етмишинчи, саксонинчи йилларда республика миқёсида ўтказилган беллашувларда бир неча марта туман ва вилоят шарафини ҳимоя қилган, қатор медаллар, ёрлиқлар ва бошқа мукофотлар билан тақдирланган. Лекин ҳаёт гуллар билан тўшалган паёндоз эмас, беш йил давомида эркин кураш бўйича Ўзбекистонга номи танилиб қолган Абдураҳмон билан унинг устози ўртасида «қора мушук» оралаб қолди. Устози ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деганларидек, шогирдидан сал нарсага айб топиб, «эговлайдиган» одат чиқарди. Бундан кўнгли оғриган Абдураҳмон спортни тарк этишга қарор қилди. Шундай қилди ҳам. Уйланди, ишга кирди, хулласи, турмуш, оила ташвишлари билан банд бўлиб қолди. Тўнғич фарзанди Мирзоҳид турли хил спорт тўгаракларига қатнаб юрди, аҳли тиниқлашгач, узил-кесил спортнинг қўл жанги турини танлади ва шу йўналишда қизғин машқлар қила бошлади. Унинг мактабда ва турли тўгаракларда шуғулланганда сўнг уйда ҳам машқларни давом эттирганлиги укаларининг ҳам эътиборидан четда қолмади. Олдинига укаси Муруд, кейин кичкинтой Маъруф ҳам акаларига эргашиб спорт билан шуғуллана бошлади.

– Аввалига ўғилларимнинг спортга меҳр қўйганликлари негадир менга ёқмади, - кулиб дейди Абдураҳмон ака. –Ўзим анча вақт спортга қизиқиб юрган бўлсам-да, лекин орзуларим рўёбга чиқмаганлиги ва ундан кўнглим қолиб четлашганим таъсириданми уларни қайтармоқчи бўлдим. Бироқ замон, давр ўзгарганлигини, бугунги кунда спортга алоҳида эътибор беришаётганликларини, бунинг учун барча шарт-шароит яратилаётганлигини ҳисобга олиб ўғилларим интилишига розилик билдирдим. Яхшиямки шундай қилганим, қарангки, фарзандларим бирин-кетин туман, вилоят ва мамлакат миқёсидаги беллашувларда иштирок этишиб муваффақиятларга эриша бошлади. Шукурларким, мен етмаган марраларни улар забт этишяпти, мен олмаган унвонларни, мукофотларни улар олишяпти.

Тўнғич фарзанд Мирзоҳид ҳозир 19 ёшда. Беш йилдирки таниқли спортчи устози Олимжон Йўлдошев раҳбарлигида қўл жанги билан шуғулланиб келади. Ҳозирда у эришган ютуқларга қўплар ҳавас қилса арзийди. «Олтин водий» халқаро турнирида биринчи ўринни забт этишга, 2003 йилда шу ном остида ўтказилган беллашувда бронза медалини қўлга киритишга, 2004 йилда шу ном остида ташкил этилган Ўзбекистон чемпионатида кумуш медал ва спорт устаси унвонини олишга эришди. Бундан ташқари, Мирзоҳид Наманганда ташкил этилган халқаро турнирда «Олтин мангуста» кубоги эгаси деб топилди. У спортчигина эмас, балки устоз сифатида ҳам обрў-эътибор қозонмоқда. Туман марказидаги «Ситор-Ю» курашчилар клубига раҳбарлик қилади. Унинг укалари Мурод ва Маъруфлар ҳам ушбу клуб аъзоларидир. Мурод ҳали ёш бўлишига қарамасдан, юқорида таъкидлаб ўтилган спорт йўналиши бўйича республика чемпионатида, 5-синф ўқувчиси Маъруф эса вилоят чемпионатида иштирок этишиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

– Ҳаётда ҳар бир киши нимагадир қизиқиши ва шунга интилиши керак, - дейди Мирзоҳид. – Шунда яшаш мазмунли бўлади. Биз Тожиболдиевлар учун эса спорт умримиз мазмунидир. Агар биздан келажагимиз қандай бўлишлигини сўрасангиз, ҳаммамиз биз ака-укалар ўз олдимизга жаҳон чемпиони бўлишни мақсад қилиб қўйганмиз.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**


**ОАО "ТЗ "Компрессор" объявляет публичный конкурс на избрание Председателя Правления акционерного общества**

Для участия в конкурсе подается заявление Председателю наблюдательного совета в закрытом конверте (с указанием Ф.И.О. участника и контактного телефона) с приложением личного листка, трех фотографий, копии диплома о высшем образовании, в заявлении кандидата о согласии баллотироваться на должность указывается информация о привлечении (не привлечении) к уголовной или административной ответственности, программа (бизнес-план) развития предприятия на 2005-2006 гг. Участники в ходе подготовке подбирают кандидатов для включения в состав правления в количестве не менее четырех человек.

**Требования к кандидатам на избрание Председателя правления:**

1. Возраст - не более 60 лет.
2. Наличие высшего технического или экономического образования.
3. Опыт работы на руководящих должностях - не менее двух лет.

Срок подачи заявлений до 1 марта 2005 г.

Победитель конкурса и члены правления определяются в соответствии с Уставом общества с учетом внесенных изменений и дополнений в 15 дневный срок с момента рассмотрения поступивших предложений.

**Наблюдательный совет**



ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17262 Буюртма Г— 115 12345